

"Аввобин" қандай намоз?

05:00 / 09.01.2017 32104

● Тасаввуф аҳли ўқийдиган асарларда ва фикҳий манбаларда кундалик ва муайян вақтларда ўқиладиган нафл намозларга кўпроқ эътибор қаратилгани ўз-ўзидан маълум. Намозхонлар орасида шом намозидан сўнг "аввобин" номи билан олти ракъат намоз ўқиётганларини кўриб қоламиз. Бу намознинг шаръий ҳукми қандай? Ушбу мақолада шу ҳақида сўз юритилади.

● Ҳанафийларнинг "Бадойеъ ас-санойеъ", "Фатҳ ал-қадир", "Баҳр ар-роиқ", "Шарҳ ан-Ниқоя" ва "Радд ал-муҳтор" сингари эътиборли фикҳий манбаларида шомдан кейин олти ракъат намоз ўқишни мустаҳаб ва мандуб деб зикр қилинган (Қаранг: Алоуддин Абу Бакр ас-Самарқандий. Бадойеъ ус-санойеъ фи тартиб аш-шаройеъ. 1-жуз. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2000. – Б. 285; Камолиддин ибн ал-Ҳумом. Фатҳ ул-қадир. 1-жуз. – Миср: Амирия, 1315. – Б. 317; Ибн Нужайм ал-Мисрий. Ал-Баҳр ар-роиқ. 2-жуз. – Миср: Илмия, 1300. – Б. 54; Али ал-қори. 1-жилд. Шарҳ ан-Ниқоя. – Қозон, 1904. – Б. 181; Ибн Обидин. Ар-Радд ал-муҳтор. 2-жуз. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 452). Уларнинг айримларида ушбу намознинг номи "аввобин" деб аталиши ҳақида маълумотлар учрайди.

Шомдан кейинги нафл ибодатлар, хусусан, "аввобин" намози ҳанафийликдан бошқа уч мазҳаб – шофиъийлик, моликийлик ва ҳанбалийликда ҳам мустаҳаб ва мандуб ҳисобланади (Қаранг: Ибн Қудома ал-Ҳанбалий. Ал-Муғний. 1-жилд. – Риёз: Дор ал-олам ал-кутуб, 1997. – Б. 564; Шайх Солиҳ ал-Азҳарий ал-Моликий. Жавоҳир ал-иклил шарҳ Мухтасар ал-Халил. 1-жилд. – Байрут: Мактабат ал-сақофия, 1347. – Б. 73; Абу-л-Ҳасан Али ал-Мовардий. Ал-Ҳовий ал-кабир шарҳ Мухтасар ал-Музаний. 2-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1994. – Б. 287).

● Халқ орасида айнан шомдан кейинги намоз "Аввобин" номи билан аталиб келади. Аслида, "Аввобин" деган намоз фақат шомдан кейинги нафл ибодатларга қўйилган эмас. Ундан бошқа вақтдаги намозларга ҳам "аввобин" деган исм ишлатилган:

1) Бомдод намозининг суннатини ҳам "аввобин намози" деб сифатланган:

ي ف ذئموي هتالصل تبثك ةعامج ي ف حبصل لى لى و رجف لى يتعكر لى لى نم
ن يقتم لى دف و ي ف ذئموي بتك و نيباوالا ةالصل

"Кимки икки ракъат бомдоднинг суннاتини ўқиса, сўнг жамоатда бомдод фарзини ўқиса, ўша куни аввобин намозини ўқиган, деб ёзилади. Ўша куни уни тақводорлар гуруҳида бўлгани ёзиб қўйилади" (Абдурраззоқ, 3/4783).

2) Зуҳо намозига ҳам "аввобин намози" дейилган. Жумладан, Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деб марҳамат қилганлар:

ن يباوالا ةالصل ي ه و : لاق باوا ال اى حصل لى لى ع ظفاحي ال

"Зуҳо намозини фақатгина аввобгина доим ўқийди. Чунки, у аввобинлар намозидир!" (Ҳоким, 1/1182; Ибн Хузайма, 2/1227).

Саҳобалардан Абу Ҳурайра (р.а.) бундай дегани нақл қилинган:

ن يباوالا ةالصل اه ان اى حصل لى لى ص ا ن ا ي لى لى خ ي ناصوا

"Дўстим (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга зуҳо намозини ўқишни васият қилганлар. Чунки, у аввобин намозидир!" (Бухорий, 2/1178; Муслим, 1/721; Абу Довуд, 1/1434-1435; Насоий, 1/1386-1387; Ибн Абу Шайба, 2/7800; Байҳақий, 3/4676; Доримий, 1/1506; Ибн Хузайма, 2/1223).

ن م بتك تاعكر نامث اى حصل لى لى ص نم : لاق ده اجم و ري ب ج ن با دي عس ن ع
(اروفغ ن يباوالا ل ن ا ك ه ن ا) ن يباوالا

Тобеинлардан Саид ибн Жубайр (р.х.) ва Мужоҳид (р.х.) кабилар: "Кимки зуҳони саккиз ракъат қилиб ўқиса, аввобинлардан деб ёзилади" деганлар ва далил сифатида "Иннаҳу кана ли-л-аввобина ғафуро" (Исро, 25) оятини келтирганлар (Абдурраззоқ, 3/4878).

3) Иссиқ куйдирадиган пайт ўқилган нафлга ҳам "аввобин намози" дейилган. Жумладан, Қубо аҳлининг зуҳо намозини ўқиб турганларини кўриб қолиб, "аввобин намози" бу пайтдан бошқа пайтда, кейинроқ ўқилишига ишора қилиб, бундай деганлари маълум:

ل اص فل ا ت ضم ر اذ ا ن يباوالا ةالصل

"Аввобин намози бўталоқларни куйдирадиган пайтда бўлади" (Муслим, 1/748; Доримий, 1/1509; Байҳақий, 3/4688; Табароний, 5/5108; Аҳмад, 4/19284, 19289).

4) Бўталоқларни куйдирадиган пайт чоштгоҳ вақти бўлиши мумкин. Шунга кўра "аввобин намози" чоштгоҳда ўқиладиган зуҳо намозига қўйилган ном дейишга асос бор. Бироқ, қуёшнинг энг куйдирадиган вақти қуёш тиккадан оғгандан кейин бошланади. Шунинг учун айримлар фикрича, аввобин намози заволдан кейин ўқилади:

سمش لال اوز دع ب ني باوأل ةالص

"Аввобин намози қуёш заволидан кейиндир" (Ибн Абу Шайба, 2/5922).

ني باوأل ةعاس اه نإف مكجئاوح ه ل ل ا ل ا ا ب ل ط ا ف ح ا و ر أ ل ا ت ح ا ر و ء ا ي ف أ ل ا ت ل ا ز ا ذ ا ا ر و ف غ ن ي باوأل ل ن ا ك ه ن ا و

"Соялар оғиб кетса, руҳлар роҳатни салқинликдан топса, Аллоҳдан ҳожатларингизни сўранглар. Чунки, бу аввобинлар вақтидир. Зотан, У аввобинлар учун мағфиратли зотдир!" (Байҳақий, "Шуаб ал-имон", 3/3073).

Юқоридагилардан маълум бўладики, "Аввобин намози" дейиш умумий маънода бир қанча нафлларга қўйилган ном бўлиб, улар бундан бошқаларини ҳам у билан аташ мумкинлигини инкор қилмайди (Муҳаммад Юсуф Баннурий. Маориф ас-сунан. 4-жилд. – Покистон, 1414. – Б. 114).

● Шом намозининг фарзи ва суннати ўқилгандан кейин қўшимча равишда бир неча ракъат намоз ўқиш ҳадиси шарифларда зикр қилинган ва савоблари айтилиб, уни ўқишга тарғиб қилинган. Бу намоз "аввобин намози", "кечки намоз" деб аталган ва айрим ояти каримлар ушбу намоз борасида нозил қилингани таъкидланган:

Машҳур саҳоба Билол (р.а.) бундай деб ҳикоя қилади:

س ل ج ن ا ن ك ة ي آ ل ا ع ج ا ض م ل ا ن ع م ه ب و ن ج ي ف ا ج ت ت : ة ي آ ل ا ه ذ ه ت ل ز ن ا م ل ل ا ل ب ل ا ق ت ل ز ن ف ء ا ش ع ل ا ل ا ي ل ا ب ر غ م ل ا د ع ب ن و ل ص ي ي ب ن ل ل ا ب ا ح ص ا ن م س ا ن و س ل ج م ل ا ي ف ع ج ا ض م ل ا ن ع م ه ب و ن ج ي ف ا ج ت ت : ة ي آ ل ا ه ذ ه .

"Татажофа жунубухум ъани-л-мазожиъ" (Сажда, 16) ояти нозил бўлганда, биз бир мажлисда ўтирган эдик. Пайғамбар (а.с.)нинг баъзи асҳоблари шомдан кейин хуфтангача ўқиладиган намозни ўқиётган эдилар, шунда ушбу оят нозил қилинди (Баззор, 1/1364).

ا ف و ح م ه ب ر ن و ع د ي ع ج ا ض م ل ا ن ع م ه ب و ن ج ي ف ا ج ت ت (ة ي آ ل ا ه ذ ه ي ف ا ج ت ت) ن و ق ف ن ي م ه ا ن ق ز ر ا م م و ا ع م ط و ء ا ش ع ل ا و ب ر غ م ل ا ن ي ب ا م ن و ط ق ي ت ي ا و ن ا ك : ل ا ق (ن و ق ف ن ي م ه ا ن ق ز ر ا م م و ا ع م ط و ل ي ل ل ا م ا ي ق : ل و ق ي ن س ح ل ا ن ا ك و ن و ل ص ي

"Ушбу "Татажофа жунубухум ъани-л-мазожиъ, йадъуна роббахум ховфан ва тамаъан ва мимма розақноҳум йунфиқун" (Сажда, 16) ояти каримаси борасида Анас ибн Молик (р.а.) бу инсонлар шом билан хуфтан орасида бедор бўлиб, намоз ўқиб ўтказадиганлар ҳақида, деган эди. Ҳасан (р.а.) эса бу "қиёми лайл"дир, деган" (Абу Довуд, 1/1323-1324; Байҳақий, 3/4526; Ибн Абу Шайба, 2/5981).

نولصي اونك لاق { نوعه ي ام ليل ل ن الم ل ل ق اونك } ل ل اع ت ه ل و ق ي ف سن ا ن ع
ي ف ا ج ت ت ك ل ذ ك و ي ي ح ي ث ي د ح ي ف د ا ز ا ش ع ل ا و ب ر غ م ل ا ن ي ب ي ن ع ي ا م ه ن ي ب ا م ي ف
م ه ب و ن ج

"Анас ибн Молик (р.а.): "Кону қолилан мин ал-лайли ма йаҳжаъун" (Зориёт, 17) ояти каримаси борасида бу инсонлар шом билан хуфтан намози орасида намоз ўқийдиганлар, деган. Шунингдек, "Татажофа жунубухум ъани-л-мазожиъ" (Сажда, 16) ояти борасида ҳам худди шундай деган" (Байҳақий, 3/4525).

ن ي ب ا م ي ه ع ج ا ض م ل ا ن ع م ه ب و ن ج ي ف ا ج ت ت ن ا ل و ق ي م ز ا ح ا ب ا و ر د ك ن م ل ا ن ب ت ع م س
ن ي ب ا و ا ل ا ة ا ل ص ا ش ع ل ا ة ا ل ص و ب ر غ م ل ا

"Тобеъинларнинг улуғларидан Ибн ал-Мункадир (р.х.) ва Абу Ҳозим (р.х.)нинг "Татажофа қулубухум ъани-л-мазожиъ"дан шом билан хуфтан намози орасидаги аввобин намози назарда тутилган, деганларини эшитганман!" (Байҳақий, 3/4527).

Хуллас, мана шу ояти карима нозил қилинганидан кейин аввобин намозининг фазилатлари ислом пайғамбари томонидан бир неча бор зикр қилиб ўтилди. Жумладан,

ن ي ب ا و ا ل ا ة ا ل ص ا ه ن ا ف ا ش ع ل ا و ب ر غ م ل ا ن ي ب ا م ي ل ص ن م

"Кимки шом билан хуфтаннинг орасида намоз ўқиса, ўша аввобин намозидир!" (Суютий, "Жомеъ ас-сағир", 2/8804).

● "Аввобин" намозининг фазилати ва хосияти борасида ҳам бир қанча ҳадислар етиб келган. Жумладан, Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай деб марҳамат қилганлар:

ت س ي ل ص ن م " م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ه ل ل ا ل و س ر ل ا ق : ل ا ق ، ة ر ي ر ه ي ب ا ن ع
ة ر ش ع ي ت ن ث ا ة د ا ب ع ه ل ت ل د ع ، ء و س ب ن ه ن ي ب م ل ك ت ي م ل ، ب ر غ م ل ا د ع ب ، ت ا ع ك ر
ة ن س "

"Кимки шомдан кейин олти ракъат намоз ўқиса, улар орасида ёмон сўз гапирмаса, у ўн икки йиллик ибодатга тенг бўлади" (Термизий, 2/435; Ибн Можжа, 1/1374; Ибн Хузайма, 2/1195; Табароний, "Мўъжам ал-авсат", 2/823; Суютий, "Жомеъ ас-сағир", 2/8803; Абу Яъло, 10/6022).

Таъкидлаш ўринлики, гарчи мазкур ҳадисни заиф дейилган бўлса ҳам, бироқ уни Ибн Хузайма (р.х.) ўзининг саҳиҳ ҳадислар тўпламида зикр қилган бўлиб, унинг наздида мазкур ҳадиси шариф саҳиҳдир.

Шомдан кейин олти ракъат намоз ўқиганларнинг савоб ва фазилатлари кўпайиб кетиши ҳам мумкин. Жумладан, Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деб марҳамат қилганлар:

نيسمخ بونذاهب هل رفغ ملكتي نأ لبق برغمل دعب تاعكر تس ىلص نم
ةنس

"Кимки шомдан кейин гапиришдан олдин олти ракъат намоз ўқиса, унинг эллик йиллик гуноҳлари мағфират қилинади" (ал-Муттақий, "Канз ул-уммол", 7/19430; Суютий, "Жомеъ ас-сағир", 2/8806; "Жамъ ул-жавомеъ", 1/5477).

ةالصلل هذه ام تبأ اي تللقف تاعكر تس برغمل دعب ىلص رساي نب رامع تيأر
تس برغمل دعب ىلص ملسو هيلع هلل ىلص هلل لوسر يبيبح تيأر لاقف
دبزلثم تناك نإو هبونذهل ترفغ تاعكر تس برغمل دعب ىلص نم لاقو تاعكر
رحبلل

"Саҳобалардан Аммор ибн Ёсир (р.а.) шомдан кейин олти ракъат намоз ўқиётганини кўриб қолдим. Унга: "Эй отажон, бу қандай намоз?" дедим. У бундай деб жавоб берди: "Мен ҳабибим Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шомдан кейин олти ракъат намоз ўқиганликларини кўрганман. Ул зоти шариф: "Кимки шомдан кейин олти ракъат намоз ўқиса, гуноҳлари гарчи денгиз кўпиги мислича бўлса-да, кечирилур" деганлар" (Табароний, "Мўъжам ас-сағир", 1/900; "Мўъжам ал-авсат", 7/7245).

● Шом билан хуфтан орасида ибодат қилиш учун энг мақбул ва қулай пайт ҳисобланади. Инсонлар одатда таомланаётган пайтда, ҳатто шом учун масжидга жамоатга чиқишга ҳам эринаётган вақтда ибодат қилишнинг фазилати ва савоби кўп бўлиши шубҳасиздир. Инчунин, бу вақтда адо қилинадиган ибодатнинг ракъатлари кўпайтирилган ҳадиси шарифларни ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, қаранг:

ةنجلل يف رصق هل نب ءاشعل او برغمل نيب ناميف تاعكر رشع عكر نم

сахихлигига далолат қилади, дейилган (Муҳаммад Юсуф ал-Баннурий. Маориф ас-сунан. 4-жуз. – Покистон: Каротши, 1413. – Б. 114).

1) Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам шомдан кейин хуфтан намозигача ибодат қилганлар:

بَرَعْمُ الْعَمُّ تَيِّلَ صَف م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ي ب ل ل ا ت ي ت ا : ل ا ق ، ة ف ي د ح ن ع ، ء ا ش ع ل ا ة ا ل ص ي ت ح ي ل ص ي م ا ق م ث

Хузайфа ибн ал-Йамоний (р.а.) бундай деганлар: "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келгандим, ул зот билан бирга шом намозини ўқидим. Сўнг ул зоти шариф туриб, то хуфтан намозигача ибодат қилдилар" (Ибн Абу Шайба, 2/5982).

2) Саҳобаи киромлар ва тобеъини изомлар ҳам шом билан хуфтан орасида ибодат қилганлар:

بَرَعْمُ ل ل ا ن ي ب ا م ؛ ي ل ص ي ه ت د ح و ا ل ا ه ي ف د و ع س م ن ب ه ل ل ا د ب ع ت ي ت ا ا م ة ع ا س ، ة ل ف ع ة ع ا س ي ه ؛ ل و ق ي ن ا ك و ، ء ا ش ع ل ا و

"Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)нинг олдига келган эдим, уни шом билан хуфтан орасида намоз ўқиётган ҳолда учратдим. У: "Бу ғафлат вақти!" дер эдилар (Ибн Абу Шайба, 2/5972).

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.) бундай деган:

ل ل ا ب ر ع م ل ل ا ه ا ت ف ك ن ي ن ا ن ي ب ا م ن ي ب ا و ا ل ا ة ا ل ص : ل ا ق ، و ر م ع ن ب ه ل ل ا د ب ع ن ع ، ء ا ش ع ل ا ي ل ل ا ب و ث ي ن ا

"Аввобин намози шом аҳлининг хуфтангача бўлган вақтда кийимларига ўралгунларича бўлган ораликдаги намоздир!" (Ибн Абу Шайба, 2/5973).

Салмон ал-Форисий (р.а.) бундай деган:

ن م ك د ح ا ن ع ف ف خ ي ه ن ا ف ، ن ي ا ش ع ل ل ا ن ي ب ا م ي ف ة ا ل ص ل ا ب م ك ي ل ع : ن ا م ل س ل ا ق ، و ر خ ا ل ة ب ه م و ا ، ة ن د م ل ل ل ل و ا ه ا ع ل م ن ا ف ، ل ي ل ل ل و ا ه ا ع ل م ن ع ب ه د ي و ، و ب ن ح

"Сизлар шом билан хуфтан орасида намоз ўқишни ўзингизга лозим тутинг! Чунки, бу вақтда ҳар бирингизнинг вазифалари енгиллашган бўлади. У эса кечанинг аввалидаги ташвишларни кетказди. Шу намоз билан кеча аввалидаги ташвиш хотиржамлик ёки кечанинг охиридаги хотиржамлик бўлиб қолсин" (Ибн Абу Шайба, 2/5974).

ء ا ش ع ل ل ا و ب ر ع م ل ل ا ن ي ب ا م ي ل ص ي ن ا ك ه ن ا ؛ ح ي ر ش ن ع

Самарқандий. Солати Масъудий. 2-жилд. – Бўмбай: Муҳаммадий, 1312. – Б. 406). Биринчи икки рақъатнинг ҳар рақъатида "Фотиҳа сураси"дан сўнг бир марта "Оят ал-курсий", бир марта "Шаҳидаллоҳ" ояти, беш марта "Ихлос сураси", бир мартадан "Фалақ ва Нос суралари" ўқилади. Иккинчи икки рақъатнинг ҳар рақъатида "Фотиҳа сураси"дан сўнг "Кофирун сураси" беш мартадан ўқилади. Учинчи икки рақъатда эса биринчи икки рақъатда ўқилгандек замсура қўшилади.

Машҳур ҳанафий олими Ибн Обидин (р.х.) ўзининг "Баҳр ур-роиқ"қа ёзган ҳошияси "Минҳат ул-Холиқ"да уч салом билан ўқиладиган олти рақъатли аввобин намозида "Фотиҳа сураси"дан кейин биринчи рақъатда "Кофирун сураси" бир марта, иккинчи рақъатда "Ихлос сураси" ўқилади, деб келтиради (Қаранг: Ибн Обидин. Минҳат ул-Холиқ ҳошияту Баҳр ар-роиқ. 1-жилд. – Миср: Илмия, 1300. – Б. 55).

"Ширъат ул-ислом"нинг шарҳида ҳар бир рақъатда "Фотиҳа сураси"дан кейин "Оят ул-курси" ояти ва "Ихлос", "Фалақ" ва "Нос" суралари бир мартадан ўқилади, дейилган (Яъқуб ибн Али ал-Бурсавий. Мафотиҳ ал-жинон шарҳ Ширъат ул-ислом. – Қозон, 1900. – Б. 129).

"Қутб ул-иршод"да йигирма рақъатли аввобин намозида қирқ марта "Ихлос сураси" ўқилиши айтилган (Фақируллоҳ ибн Абдуррахмон ал-Ҳанафий. Қутб ул-иршод. Бўмбай: Музаффарий, 1916. – Б. 268).

Аслида намозларга бирорта сурани таъйин қилиб, ундан бошқасини ўқимасликка ҳаракат қилиш макруҳ ҳисобланади. Жумладан, фикҳий матн китобларида бу аниқ айтилган:

تاولصلل نم ءىشب نآرقلل نم أيش تقوي نا هرکي و

"Намозлардан бирортасига Қуръондан бир нарсани белгилаб олиш макруҳ бўлади" (Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний. Жомеъ ас-сағир. – Лакнав: Алавий, 1310. – Б. 15).

اهريغ اهيف أرقى ال ةولصلل اهنىعب ةروس ذختي نا هرکي و

"Бир намоз учун бошқасини ўқимайдиган қилиб муайян бир сурани таъйинлаб олиш макруҳ бўлади (Абулҳасан Аҳмад ал-Қудрий. Мухтарас ал-Қудрий. – Қозон, 1916. – Б. 11).

Мазкур масала "Мухтасар ал-Виқоя" ҳамда "Канз ад-дақоиқ"да ҳам ўз ифодасини топган (Қаранг: Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорий. Мухтасар

ал-Виқоя. – Қозон, 1911. – Б. 16-17; Абу-л-Баракот ан-Насафий. Канз ад-дақоик. – Бўмбай: Фатҳ ул-карим, 1305. – Б. 31).

Чунки, бирор намозга муайян бир сурани белгилаб қўйиш бошқа сураларга нисбатан бепарволик, уларни ўқишга, ёд олишга интилмаслик келиб чиқади. Бошқа ёд олинган сураларни зеҳндан унутилиш юзага келади. Шунинг учун сура белгилаб олиш макруҳ дейилган. Айрим фақиҳлар бундай макруҳлик фақат фарз намозларга тааллуқли деганлари учун "аввобин" намозида ўқиладиган сураларнинг номлари зикр қилинган бўлса керак. Аслида, ушбу манбаларда зикр қилинган сураларни "аввобин" намозида ўқиган яхши, ора-орада бошқаларни ҳам ўқиб турган афзал.

● "Аввобин" намозини икки-икки ракъатдан қилиб ўқиш афзал, дейилади, бироқ айрим манбаларда уни тўрт-икки ёки икки-тўрт ракъат шаклида ўқилиши ҳам айтиб ўтилган. Жумладан, XVIII асрда яшаган машхур мутасаввиф олим, фиқҳ, наҳв соҳаларида ҳам бир неча китоблар битган таниқли уламо, Бухоро амирлигининг бош муфтийси Муҳаммад Шариф ал-Хусайний ал-Алавий ал-Бухорий (р.х.) "Амал ул-йавм ва-л-лайл" деган рисола тасниф қилган бўлиб, унда тариқат акобирларининг бир кунлик одатий амалларини зикр қилган. Унда кўрсатилишича, акобирларнинг шомдан кейинги амали икки ракъат суннат ва икки ракъатдан тўрт ракъат "аввобин" намози ўқиш бўлган (Муҳаммад Шариф ал-Хусайний. Амал ул-йавм ва-л-лайл. ЎЗР ФА ШИ, № 12591/VI. – В. 284а).

● Гарчи "Аввобин" ҳақида келтирилган ривоятларнинг кўпчилиги заиф бўлса-да, бироқ, у билан ибодатнинг мустаҳаб ва мандуб бўлишини инкор қилиб бўлмайди. Бинобарин, эътиборли фиқҳий манбаларда шомдан кейин олти ракъат намоз ўқишни мустаҳаб ва мандуб деб зикр қилинган. Ибодатга кўнгил қўйган, ихлосли мўъмин-мусулмонлар шом намозидан кейин олти ракъат намозни қанда қилмаганлари яхши.

"Аввобин" намозининг биринчи икки ракъатини "туҳфаи расул" деб аталиши ва унинг ҳукми бошқа мақоланинг мавзусидир.

Хуллас, шомдан кейин уч салом билан икки-икки ракъатдан қилиб ўқиладиган олти ракъатли "Аввобин" намози аҳли сунна ва-л-жамоанинг тўрт мазҳабида ҳам мустаҳаб ва мандуб намозлар жумласидан бўлиб, уни ўқиш соф эътиқодли ва ихлосли мўъмин-мусулмонларнинг кундалик одатига айланиши керак.

Ҳамидуллоҳ Беруний